

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1	Тўлиқ:	“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти					
	Қисқартирилган:	“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ					
	Биржа тикерининг номи:	KBUN					
2	<b>АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ</b>						
	Жойлашган ери:	Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кӯчаси, 3 уй.					
	Почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кӯчаси, 3 уй.					
	Электрон почта манзили:*	info@kdb.uz					
	Официальный веб-сайт:*	http:// www.kdb.uz					
<b>МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ</b>							
	Муҳим фактнинг рақами:	6					
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
	Умумий йигилиш тури:	Йиллик √ навбатдан ташқари					
	Умумий йигилиш ўтказиш санаси:	29.06.2020					
	Умумий йигилиш баённомаси тузилган сана:	08.07.2020					
	Умумий йигилиш ўтказилган жой:	Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кӯчаси, 3 уй.					
	Умумий йигилиш кворуми:	100% (681 371 600 овоз)					
<b>№</b>	<b>Овоз беришга қўйилган масалалар</b>	<b>ёқлаш</b>		<b>карши</b>		<b>бетарафлар</b>	
		<b>%</b>	<b>сони</b>	<b>%</b>	<b>сони</b>	<b>%</b>	<b>сони</b>
1	Аффилланган шахслар билан битим тузилишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	100	681,371,600	0	0	0	0
2	2020 МЙ учун Банкнинг йиллик бюджети ва бизнес режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	89.69	611,127,400	10.31	70,244,200	0	0
3	2019 МЙда олинган соғ фойданинг тақсимланишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	89.69	611,127,400	10.31	70,244,200	0	0
4	2019 МЙ учун Банкнинг аудит текширувидан ўтказилган молиявий хисоботларини тасдиқлаш	100.00	681,371,600	0	0	0	0
5	2020 МЙ учун аудиторлик ташкилотини белгилаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш	100.00	681,371,600	0	0	0	0
6	“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш	100.00	681,371,600	0	0	0	0
7	Банк Кенгашининг 2019 МЙ учун Корпоратив бошқаруви тўғрисидаги йиллик хисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	100.00	681,371,600	0	0	0	0
8	Кумулятив овоз бериш йўли орқали янги Кузатув кенгаши азосини сайлаш	100.00	681,371,600	0	0	0	0
9	2019 МЙ учун Банкнинг молиявий фаолияти якунлари бўйича Тафтиш комиссияси тузган хисоботни тасдиқлаш	100.00	681,371,600	0	0	0	0
Умумий йигилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1	Аффилланган шахслар билан битим тузилишини кўриб чиқиш. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор қиласи: "КДБ Банк Ўзбекистон" АЖ KDB Asia Ltd. (Гонконг шаҳри) 50 миллион доллар, KDB Bank Europe Ltd. (Венгрия) 50 миллион доллар, KDB London филиали (Лондон шаҳри) 100 миллион доллар, KDB Bank Бош оғиси (Сеул) 150 миллион доллар билан юқорида кайд этилган битим лимитлари тасдиқлансин.						

2	2020 МЙ учун Банкнинг йиллик бюджети ва бизнес режасини кўриб чикиш ва тасдиқлаш Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кўпчилик овоз билан қарор килади: • Банкнинг 2020 МЙ учун йиллик бюджети ва бизнес режаси тасдиқлансан.
3	2019 МЙда олинган соф фойданинг тақсимланишини кўриб чикиш ва тасдиқлаш Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кўпчилик овоз билан қарор килади: • 2019 МЙ олинган соф фойда тақсимланмаган фойда сифатида колдирилсин.
4	2019 МЙ учун Банкнинг аудит текширувидан ўтказилган молиявий хисоботларини тасдиқлаш Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор килади: • 2019 МЙ учун аудит текширувидан ўтказилган Банкнинг молиявий хисоботлари тасдиқлансан.
5	2020 МЙ учун аудиторлик ташкилотини белгилаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор килади: • 2020 МЙ учун Банкнинг ташкилоти сифатида “PricewaterhouseCoopers” МЧЖ аудиторлик ташкилоти белгилансин ва аудиторлик хизматлари учун энг кўп ҳақ 944.000.000 сўм миқдорида шартнома тузилсин.
6	“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Уставига кўшимча ва ўзгартиришларни киритиши Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор килади: • “КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Уставига киритилаётган кўшимча ва ўзгартиришлар иловага мувофиқ тасдиқлансан. • “КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Уставига киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчаларни амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси банк Бошқарувига топширилсин.
7	Банк Кенгашининг 2019 МЙ учун корпоратив бошқарув тўғрисидаги йиллик хисоботини кўриб чикиш ва тасдиқлаш Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор килади: • Банк Кенгашининг 2019 МЙ учун Корпоратив бошқарув тўғрисидаги йиллик хисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансан.
8	Банк Кенгашининг янги аъзосини сайлаш. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор килади: Кумулятив овоз бериш орқали Туляганов Қудратилла Банк Кенгаши аъзолигига сайлансан.
9	2019 МЙ учун Банкнинг молиявий фаолияти якунлари бўйича Тафтиш комиссияси тузган хисоботни тасдиқлаш Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши бир овоздан қарор килади: • 2019 МЙ учун “КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ молиявий фаолияти якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг хисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ижроия органи, Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига хисобланган ва тўланган мукофот ва (ёки) товон:\*\*\*

№	Ф.И.Ш.	Шахс аъзо бўлган эмитент органи номи	Тўлов тури (мукофот ва (ёки) товон)	Хисобланган миқдор (сўм)	Даромад маблаглари хисобланган давр	Тўлов мўлжалланган хужжат
1	-	-	-	-	-	-

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (Mavjud bo'lsa, ko'rsatiladi):

Номзодлар тўғрисида маълумот:

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозими	Уларга тегишли акциялар			Овозлар сони
			жой	лавозим	сони	
1	Туляганов Кудратилла Асатуллаевич	"Ўзбекистон Республикаси Ташки Иктисадий Фаолият Миллий банки" АЖ	Бошқарув Раиси ўринбосари	-	-	3,406,858,000

Уставга узгартиришлар ва (ёки) кушимчалар матни (мавжуд булса курсатилади)

1. Уставнинг 1.4-бандининг 42-кичик банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:
- 42) "ТИФ МБ" АЖ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият юритаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй юридик манзили бўйича жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки" акциядорлик жамиятини билдиради
2. Уставнинг 2.1.-бандидаги Банк акциядорларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки номи қуидаги таҳрирда баён қилинсин:
- "Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки" акциядорлик жамияти
3. Уставнинг 3.6.-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:
- 3.6. Амалдаги қонунларга бўйиниши. Банк ўз фаолиятини амалдаги қонун хужжатларига, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга карши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади.
4. Уставнинг 4.2.-банди 20-кичик банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:
- 20) Молиявий ёки банк фаолияти масалалари юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг жамғармалари ёки активларини бошқариш мақсадлари учун хизматлар кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ёки ёрдам кўрсатиш каби активлар мажмунини (портфелини) бошқариш;
5. Уставнинг 4.2.-бандининг 27-кичик банди чиқариб ташлансан:
6. Уставнинг 4.2.-банди қуидаги мазмундаги 27-30-кичик бандлари билан тўлдирилсан:
- 27) тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобвақларини очмасдан амалга ошириш;
- 28) ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;
- 29) электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
- 30) Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.
7. Уставнинг 4.3.-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:
- 4.3. Тақиқланган фаолият. Банк амалдаги қонунчилик билан ёки ушбу Уставда тақиқланган фаолият билан шугулланмайди. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, сугурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шугулланишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган чеклов қуидаги холларга нисбатан татбик этилмайди:
- а) банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;
- б) ўз активларини сотишига;
- в) чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;
- г) сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;
- д) банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.
8. Уставнинг 7.1.-банди қуидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсан:
- Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуидаги холларда амалга оширишга ҳақли эмас:
- а) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;
- б) ноҷорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ноҷорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;
- в) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;
- г) Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.
9. Уставнинг 10.2.-банди қуидаги таҳрирга 24-кичик банд билан тўлдирилсан:
- 24) ижроия органининг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустакил амалга ошириши учун Банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш.
10. Уставнинг 10.6.-бандининг иккинчи жумласи қуидаги таҳрирда баён қилинсан:
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши ("Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши") Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби асосида, ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш (5) фоизига эгалик қўливлари акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида, шунингдек кун тартибини белгилаш хукуқи билан Марказий банкнинг қонунда ўрнатилган тартибдаги ёзма талаби асосида ўтказилади.
11. Уставнинг 11.2.-банди биринчи жумласидан сўнг қуидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсан:
- Банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алокадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.
12. Уставнинг 11.3.-бандининг 10, 21 ва 24-кичик бандлари қуидаги таҳрирда баён қилинсан:
- 10) Банкнинг бизнес-режасини, стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада саклаб туриш, ички назоратга оид сиёсатларни тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат килиш;
- 21) ҳар чоракда банк фаолияти натижалари ва бизнес-режасига мувофиқлиги тўғрисидаги Бошқарувнинг ҳисоботларини эшлиши;
- 24) ҳар чоракда банк ички аудит хизмати раҳбарининг Бошқарув томонидан банкнинг бизнес-режаси, стратегиялари ва бошқа ички сиёсатлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшлиши;
13. Уставнинг 11.3.-банди қуидаги мазмундаги 27 – 32 кичик бандлари билан тўлдирилсан:
- 27) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги заарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада саклаб турилишини таъминлаш;
- 28) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;
- 29) банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;
- 30) банкнинг бошқаруви устидан қуидагича назоратни амалга ошириш;
- а) банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда

улар бўйича баҳслашиш;

б) банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

в) бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига хисобот тақдим этиш;

31) йиллик молиявий хисоботларни дастлабки тарзда тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

32) банкнинг узок муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни хисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

14. Уставнинг 13.3.-банди 2 ва 3 кичик бандлари куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

2) банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва банк кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан кўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги хисоботни даврий равишда тақдим этади;

3) банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида тақсимлашни таъминлайди;

15. Уставнинг 13.3.-банди куйидаги таҳрирдаги 15 ва 16 кичик бандлари билан тўлдирилсин:

15) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлайди, бошқаради, мониторинг қиласи ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этади, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади;

16) банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

\_\_\_\_\_Хёнг Санг Ким

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.:

\_\_\_\_\_Жўраев Аброр Бахшиллаевич

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган

\_\_\_\_\_Раджабов Умиджон Тоҳирович

ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: